

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2022 йил июнь ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, очик сайёр суд мажлисида, Ангрен шаҳар “Оппартак” м.ф.й. биносида Раислик қилувчи судья: Б.Эсанбаев,

Судья ёрдамчиси С.Курбонбекованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Ангрен шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Камилов, судланувчи Хxxxxxxxxxxxxx ҳамда жабрланувчи И.Давроноваларнинг иштирокида,

Хxxxxxxxxxxxxx (xxxxxxxxxxxxxx) – 1994 йил 19 октябрда Тошкент вилояти Янгиобод шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, ишсиз, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Ангрен шаҳар, “Оппартак” маҳалласи, Дукент-1 кўчаси 52-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нухасини 2022 йил 11 июнда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланувчига оид 1-1104-2202/244-сонли жиноят ишени кўриб, куйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи хужжатларига кўра, Хxxxxxxxxxxxxx 2022 йил 10 май куни соат 10:30 да, ўзига тегишли «ВАЗ2115» русумли давлат рақам белгиси 10Е802SA бўлган автомашинани Ангрен шаҳар Гагарин кўчаси бўйлаб, Обод маҳалласи йўналишида бошқариб, йўлнинг Ангрен шаҳар 13-даха, 11-уйнинг қаршисига етган вақтида, амалдаги «Йўл ҳаракат қоидалари»нинг 1-4, 11, 63-банди талабларини кўпол равишда бузиб, ҳаракат ҳавфсизлиги чораларини кўрмасдан, ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши, транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаши ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаслиги шартлиги, зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак бўлса-да, жиноий бепарволик ва ўз-ўзига ишониш билан ҳаракатни давом эттириб, орқага қайрилиб, олд томонидан автомашина бўлганлиги сабабли бурилишни тўлиқ яқунлаш мақсадида орқага ҳаракатланганда унинг ортида бўлган пиёда 24.01.1998 йилда туғилган Давронова Исмигул Абдураим кизини уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 24.05.2022 йилдаги 580-сонли хулосасида, И.Даврановага ЙТХ натижасида “ўртача оғир” тан жароҳати етказилганлиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид автотехника экспертизасининг 16.05.2022 йилдаги 368-сонли хулосасига кўра кўздан кечириш вақтида «Ваз2115»



автомашинасининг рул бошқаруви, ишчи тормоз тизими ишга яроқли ҳолатдалиги аниқланган.

Хxxxxxxxxxxxxxxxxни Ўзбекистон Республикаси 266-моддаси 1-қисми билан айбланиш ҳақидаги жиноят иши айблов далолатномаси билан 2022 йил 14 июнда келиб тушган.

Суд мажлисида судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxx ва жабрланувчи И.Давронова ариза билан муносабат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўради.

Судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxx суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 10 май куни соат 10:30да, ўзига тегишли «ВА32115» русумли давлат рақам белгиси 10E802SA бўлган автомобилни Ангрен шаҳар Гагарин кўчаси бўйлаб, Обод маҳалласи йўналишида бошқариб, йўлнинг Ангрен шаҳар 13-даҳа, 11-уйнинг қаршисига етган вақтида орқага қайрилиб, олд томонидан машина бўлганлиги сабабли бурилишни тўлиқ яқунлаш мақсадида орқага ҳаракатланганда унинг ортида бўлган пиеда 24.01.1998 йилда туғилган Давронова Исмигул Абдураим кизини уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этганлигини, қилмишидан пушаймондалиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.Давронова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 10 май куни соат 10:30да Ангрен шаҳар 13-даҳа, 11-уйнинг қаршисига кейинчалик шахси маълум бўлган Хxxxxxxxxxxxxxxxx ўзига тегишли «ВА32115» русумли давлат рақам белгиси 10E802SA бўлган машинасида орқа томонга ҳаракатланиб уни уриб юборганлигини, ҳозирги кунда судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxxга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, Хxxxxxxxxxxxxxxxx билан ўзаро ярашиб олганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxx ва жабрланувчи И.Давроноваларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Ангрен шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Камиловнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxxнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқрорлиги, жабрланувчи ва судланувчиларга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, жабрланувчининг моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси сличини, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан



бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси таъсир доирасига тушишини инобатга олиб, судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxга оид жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Бундан ташқари суд, жабрланувчи И.Давроновага ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 423, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган Хxxxxxxxxxxxxxга оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxга нисбатан қўлланилган “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи И.Давроновага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажрим норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан йигирма суткалик муддат ичида, гумонланувчи ва жабрланувчи эса ажрим нухасини олинган сўнг шу муддат ичида шу суди орқали Тошкент вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Б.Эсанбаев

